

Исм-насаби: Абу Жаъфар Язид ибн Каъкоъ ал-Махзумий ал-Маданий ал-Корий. Кувватли фикрга кўра, насаблари араб бўлган.

Таваллуди ва вафоти: Имом Абу Жаъфар раҳматуллоҳи алайҳнинг тугилган саналари ҳақида аниқ маълумот йўқ. Маълум нарса шуки, у киши 90 ёшдан ортиқроқ умр кўриб, хижрий 130/747 йилда вафот этган.

Манокиблари: Абу Жаъфар раҳимахуллоҳ имом, факих, ҳадис ривоятида сика (ишончли), ўн кироат имомларининг буюкларидан ва асосийси, улуғ тобеинлардан бўлган. Имом Абу Жаъфар хали саҳобаи киромлар ҳаётлигидаёқ Мадинада имом, пешкадам устоз сифатида танилган эди. Кироати мутавотир эканида шак-шубҳа йўқ, чунки у киши Шайба ибн Нисоҳ ва Нофеъдан олдин Мадинанинг бирламчи Куръон ўргатувчиси бўлган, холбуки, ўша пайтда Мадинада саҳобалар ҳам бўлган. Аммо ёзма санадларга кўра, Абу Жаъфарнинг кироати бизга факат Аҳмад ибн Зайд ал-Хулвоний ривояти билан етиб келган. Саҳих ривоятда келишича, имом Абу Жаъфарни гўдаклигида Уммул-мўминин Умму Салама розияллоҳу анҳонинг олдиларига олиб боришган. У зот унинг бошини силаб, ҳақкига барака тилаб дуо қилганлар. Имом Абу Жаъфар кечанинг ярмида туриб тўрт ракъат намоз ўқир, хар ракъатида «Фотиха»дан сўнг узун сурани замм қилар, салом бергандан кейин ўзининг, барча мусулмонларнинг, ўзига ўқиб берганларнинг ҳамда ўзидан олдинги ва кейинги унинг кироатида ўқийдиган инсонларнинг ҳақкига дуо қилар эди.

Имом Молик: «Кори Абу Жаъфар солиҳ инсонлардан эди. У Мадинада одамларга Куръон ўқитар эди», деганлар.

Ибн Абу Хотим айтади: «Отамдан Абу Жаъфар ҳақида сўраган эдим, «У ростгўйдир» деди».

Асмаъий: «Ибн Зиёд: «Мадинада суннат борасида Абу Жаъфардан билимдонроқ инсон бўлмаган. У ўз замонида Абдуррахмон ибн Хурмуз ал-Аъраждан ҳам пешкадам эди», деган», – дейди.

Ибн Жамоз айтади: «У кунора рўза тутар эди. Бу эса Довуд алайҳиссаломнинг рўзаларидир. Сафдошлари ундан бу ҳақда сўрашганида, у: «Мен буни нафсимни Аллохнинг ибодатига чиниктириш учунгина қиламан», деб жавоб берди».

Сулаймон ибн Муслим шундай хикоя қилади: «Абу Жаъфарга вафот соати келганида гувоҳ бўлганман. Абу Хозим ал-Аъраж улуғ суҳбатдошлари билан келиб, унинг олдига йикилиб, унга нидо қилишар, у эса жавоб бермас эди. Шунда унинг куёви, яъни кизининг эри Шайба: «Сизларга мўъжиза кўрсатайми?» – деди. Улар: «Ха», дейишди. Шайба унинг кўкрагини очди. Карасак, сутдек оппоқ айлана турибди. Шунда Абу Хозим ва шериклари: «Аллохга касамки, бу Куръоннинг нуридир!» – дейишди. Имом Нофеъ: «Абу Жаъфар вафот этиб, гусл қилдирилаётганда унинг томоғи билан юраги оралигида мусхафнинг варағига ўхшаш нарсани кўришди. Хозир бўлганлардан бирор киши унинг Куръон нури эканига шубҳа қилмади», – дейди.

Сулаймон ал-Умарий айтади: «Абу Жаъфарни тушимда Каъбанинг устида кўрдим. У шундай деди: «Биродарларимга салом айт ва уларга хабар бергинки, Аллох мени ризклантириладиган тирик шаҳидлардан қилди. Абу Хозимга ҳам салом айт. Унга: «Абу Жаъфар сенга: «Хушёр бўл! Хушёр бўл! Зеро Аллох таоло ва У Зотнинг фаришталари атайлаб сенинг кечки мажлисларингни томоша қилишмоқда», деяпти», – деб айт».

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исроил ал-Кассоъ шундай дейди: «Абу Жаъфар бир

кишининг тушига чиройли суратда кирибди ва шундай дебди: «Асхобларимга ва менинг кироатимда ўқийдиганларга Аллох уларни магфират килгани, менинг улар ҳақида килган дуоларимни ижобат килганининг хушxabарини бер ҳамда уларга бу тўрт раъатни кечанинг ярмида кодир бўлганларича ўқиб юришларини буюр», дебди».

Устозлари: Абдуллох ибн Айёш, Абдуллох ибн Аббос, Абу Хурайра розияллоху анхум.

Шунингдек, бу зот Умар ибн Хаттоб, Ибн Аббос, Абу Хурайра, Жобир ибн Абдуллох ва Марвон ибн Хакам каби улуг олимлардан ҳадис тинглаган.

Шогирдлари: Нофеъ ибн Абу Нуъайм, Ийсо ибн Вардон, Сулаймон ибн Мухаммад ибн Муслим ибн Жаммоз, Абдуррахмон Зайд ибн Аслам, Абу Амр ибн Ало, ўзининг икки ўгли Исмоил ҳамда Яъқуб, кизи Маймуна ва бошқалар. Имом Молик у кишидан ҳадис ривоят килган.

Абу Жаъфар кироатини Ахмад ибн Язид ал-Хулвоний Колундан, у Ийсо ибн Вардондан, у эса Абу Жаъфардан олган. Айти пайтда Хулвонийдан Фазл ибн Шозон ад-Дорий ва Жаъфар ибн Хайсам олган. Шунингдек, Хулвоний Колун санади билан Зубайр ибн Мухаммад Умарийга, Жаммоз санади билан Сулаймон ибн Довуд ал-Хошимийга ўқитган.

Санади: Имом Абу Жаъфар Куръонни ўз мавлоси Абдуллох ибн Айёш, Абдуллох ибн Аббос ҳамда Абу Хурайра розияллоху анхумга ўқиб берган. Бу уювлари кироатни Убай ибн Каъбдан олишган. Шунингдек, Абу Хурайра ва Ибн Аббос розияллоху анхум Зайд ибн Собит розияллоху анхумга ҳам ўқиб беришган. Зайд ибн Собит ва Убай ибн Каъб эса Расулуллох соллаллоху алайхи васалламдан олишган.

Ровийлари:

- 1) Ийсо ибн Вардон;
- 2) Сулаймон ибн Жаммоз.

Ийсо Ибн Вардон

Исм-насаби: Абул-Хорис Ийсо ибн Вардон ал-Маданий ал-Хаззо.

Таваллуди ва вафоти: Имом Ийсо ибн Вардонинг тугилган йили маълум эмас, вафоти 160/776-777 санада бўлган.

Манокиблари: Ийсо ибн Вардон имом Нофеънинг илгор сафдошларидан эди. Икковлари ҳам Абу Жаъфарнинг кўлида тахсил олишган.

Устозлари: Имом Ийсо Куръони Каримни Абу Жаъфар ал-Маданий, Шайба ибн Нисохга, сўнгра имом Нофеъга ўқиб берган.

Ибн Жаммоз

